

---

Туман ҳокимлигининг навбатдаги фуқаролар қабули ташкил этилди  
Ўзбекистон туманида аҳоли билан бевосита ва очик мулоқотни таъминлаш, уларни қийнаб келаётган муаммоларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш юзасидан аниқ ва манзилли чоралар кўрилмоқда.

Аҳоли ва тадбиркорлар учун ўтказилаётган қабулларда жойларда ўз ечимини топмаган муаммоларни ҳал этиш, фуқароларнинг розилигини таъминлаш, аҳолининг давлат идораларига бўлган ишончини янада мустаҳкамлаш, муурожаатларни холис ва тезкор кўриб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.





Туман ҳокимлигининг кеча, 27 май куни ўтказилган навбатдаги қабулида ҳам 50 нафардан ортиқ жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари, таклиф ва муаммолари тингланди.

Қабул давомида фуқароларнинг коммунал соҳа, маҳалла инфратузилмасини яхшилаш, имтиёзли банк кредити ажратиш, бандлик, пенсияга оид, моддий ёрдам, уй-жой, тиббий хизмат ва бошқа масалалар билан боғлиқ муурожаатлари туман ҳокими ўринбосарлари ва мутасадди ташкилотлар раҳбарлари иштирокида ўрганиб чиқилди.



Ҳар бир мурожаат масъуллар томонидан диққат билан эшитилиб, ўртага ташланган масалаларни ўз ўрнида, қўшимча ўрганиш талаб этадиган муаммоларни қисқа фурсатда ҳал этиш чоралари кўрилди.

Мурожаатларнинг маълум қисмига шу куннинг ўзида ижобий ечим топилди. Муддат талаб этадиган мурожаатлар эса тегишли масъулларга бириктирилиб, ижроси назоратга олинди.

**Ўзбекистон тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати**

2021-05-28 09:12:32